

**“Йил ҳикояси” республика кўрик-танловини ташкил
этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Йил ҳикояси” республика кўрик-танловини (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Кўрик-танлов ҳар йили умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилади.
2. Кўрик-танлов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ташкил этилади.

2-боб. Кўрик-танловнинг мақсад ва вазифалари

3. Кўрик-танловнинг мақсади:
китобхонликни тарғиб қилиш орқали ўқувчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, уларда мустақил ва танқидий фикрлаш кўникма ва малакаларини шакллантириш, маънавий таҳдидларга нисбатан соғлом иммунитетни ривожлантириш;
ўқувчиларга миллий ва жаҳон адабиётини тизимли тарғиб қилиш ва уларнинг қалбида ватанпарварлик, эзгулик, инсонпарварлик сингари юксак инсоний фазилатларга нисбатан меҳр ва муҳаббат уйғотиш ҳамда ахборот олиш маданиятини шакллантириш.
4. Кўрик-танловнинг вазифаси ўқувчиларда ҳикоя ёзиш маданиятини шакллантириш, миллий ҳикоялар яратилишини йўлга қўйиш ва бу орқали ижодкор ўқувчиларни рағбатлантиришдан иборат.

3-боб. Кўрик танловни ўтказиш тартиби

5. Кўрик-танлов ҳудудий ахборот-ресурс марказлари масъуллигида июль-сентябрь ойлари давомида умумий ўрта таълим муассасаларининг 9-10 синф ўқувчилари ўртасида қўйидаги 4 босқичда (мактаб, туман (шаҳар), ҳудуд, республика) ўтказилади:

а) биринчи (мактаб) босқичда - мактабда барча 9-10 синф ўқувчилари иштирокида 20 июнга қадар мактаб директори, маънавий ва маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари, “Она тили ва адабиёт” фани ўқитувчиси ва кутубхоначидан иборат ишчи гуруҳ томонидан ўқувчилар ёзган ҳикоялар кўриб чиқилади. Унда ўқувчилар ўзлари ёзган ҳикояларни тақдим этишлари лозим.

Энг яхши деб топилган ҳикояларни (ҳар бир мактабдан 2 нафар ўқувчининг иши) мактаб раҳбари томонидан тасдиқланган ҳолда 10 июлга қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига тақдим этилади.

б) иккинчи (туман-шаҳар) босқичда - барча умумий ўрта таълим муассасаларидан қабул қилиб олинган ижодий ишлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида тузилган ишчи гуруҳи томонидан 1 августга қадар кўриб чиқилиб баҳоланади ва туман (шаҳар) миқёсида 1-, 2-, 3-ўринлар белгиланади. Ҳолиб ўқувчилар ўқитувчилар билан биргаликда туман(шаҳар) халқ таълими бўлимига таклиф этилган ҳолда эсдалик совғалар ва дипломлар билан тақдирланади.

Туман (шаҳар) миқёсида 1-ўринни эгаллаган 2 нафар ўқувчининг ижодий ишлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудири томонидан тасдиқланган ҳолда 1 август қадар ҳудудий ахборот-ресурс марказига тақдим этилади.

в) учинчи (ҳудудий) босқичда - барча туман (шаҳар)лардан (9-10-синф ўқувчиларининг жами 2 нафар ҳолиб) юборилган ҳикоялар ахборот-ресурс марказида тузилган ишчи гуруҳ томонидан 20 августга қадар кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Энг яхши деб топилган ижодий иш (9-10-синф ўқувчиларидан жами 2 нафар ҳолиб) вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи тасдиқлаган ҳолда 1 сентябрга қадар Республика ташкилий кўмитасига тақдим этилади.

г) тўртинчи (республика) босқичда - ҳар бир ҳудуддан 2 нафар ҳолиб ўқувчилар иштирок этади. Республика босқичи сентябрь ойида ўтказилади.

4-боб. Кўрик-танлов шартлари ва баҳолаш мезонлари

6. Кўрик-танлов иштирокчилари ҳакамлар ҳайъати томонидан 100 баллик тизимда баҳоланади.

а) Ҳудудий босқичларда баҳолаш тартиби:

ҳикояларда мавзунинг тўлиқ очиб берилганлиги – 20 баллгача;

ҳикояларнинг маъно жиҳатдан таъсирчанлиги – 30 баллгача;

ҳикояларнинг газета ва журналларда нашр этилганлиги – 20 баллгача;

ўқувчининг китобхонликга оид кўрик танлов ва тадбирларда фаол қатнашганлиги – 10 баллгача;

ҳикояларнинг мазмунига тарихий, адабий-бадиий, публицистик ва бошқа материалларнинг сингдирилганлиги – 20 баллгача;

б) Республика босқичда иштирокчилар 2 та шарт бўйича қуйидаги тартибда баҳоланади:

1-шарт - Худудларда ўтказилган танловда тақдим этилган ҳикоялар белгиланган Низом асосида бўлганлиги учун 50 баллгача баҳоланади. Ҳакамлар ҳайъатига баҳолаш учун 30 дақиқа вақт берилади;

2-шарт - Республика ташкилий кўмитаси томонидан белгиланган мавзуда ўқувчилар томонидан ҳикоя ёзилади ва ҳикояни ёзиш учун 2 соат вақт ажратилади. Ушбу шарт ҳакамлар ҳайъати томонидан 50 баллгача баҳоланади.

Иштирокчи ўзи ёзган ҳикояни ўқиб беради.

5-боб. Кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш

7. Ташкилий кўмита томонидан ғолиб деб топилган иштирокчилар махсус диплом ҳамда 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

а) 2 та – 1-ўрин, 2 та – 2-ўрин, 2 та – 3-ўрин;

б) куйидаги номинациялар бўйича тақдирланади:

“Йилнинг энг яхши ёзилган миллий ҳикоя”;

“Йилнинг энг яхши ёзилган фантастик ҳикояси”.

Кўрик-танловнинг қолган барча иштирокчиларига Халқ таълими вазирига “Кўрик-танловнинг фаол иштирокчиси” дипломи топширилади.

6-боб. Якуний қоидалар

8. Кўрик-танлов натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси таркиби ташкилий кўмита томонидан тасдиқланади.

9. Кўрик-танлов натижаларидан норози бўлган иштирокчилар кўрик-танлов якунидан сўнг 15 дақиқа ичида Апелляция комиссиясига мурожаат қилиши шарт.

10. Шикоятлар тақдим этилгандан сўнг Апелляция комиссияси томонидан 1 соат ичида кўриб чиқилиб, асосланган тарзда ўрганиш натижаси шикоятчига эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг
2019 йил “___” _____даги
___ - сон буйруғига
14-ИЛОВА

**Кўрик-танлов, фестиваль ва спорт мусобақаларни ўтказиш
бўйича ташкилий қўмита
ТАРКИБИ**

- Д.Кенжаев - Халқ таълими вазири ўринбосари, раис
М.Карабаев - Мактабдан ташқари таълим, спорт ва туризмни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи, раис ўринбосари
Б.Аминов - Мактабдан ташқари таълим, спорт ва туризмни ташкил этиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, аъзо
С.Махмудова - Мактабдан ташқари таълим, спорт ва туризмни ташкил этиш бошқармаси бош назоратчиси, аъзо
Й.Акбаров - Мактабдан ташқари таълим, спорт ва туризмни ташкил этиш бошқармаси етакчи назоратчиси, аъзо

**“Баркамол авлод” болалар марказлари ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловлар
ва фестиваль учун**

- Д.Муродов - “Баркамол авлод” республика болалар бадий ижодиёт маркази директори в.в.б, аъзо
М.Ҳақимов - “Баркамол авлод” республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази директори, аъзо
Х.Зокирова - “Баркамол авлод” республика болалар техник ижодиёт маркази директори, аъзо

Китобхонликни тарғиб қилиш бўйича кўрик-танловлар учун

- Д.Ўролов - Республика болалар кутубхонаси директори, аъзо
З.Бобонов - Республика болалар кутубхонаси директори ўринбосари, аъзо

Спорт мусобақалари учун

- Т.Тойиров - Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аъзо
Н.Соатов - Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши раиси ўринбосари, аъзо
С.Рахматуллаев - Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши Илмий бўлим мудири, аъзо